

Den



ЎЗБЕКИСТОН ОҶОҶИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЙOSИЙ-ИЖТМОИЙ ГАЗЕТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

2002 YIL 1 YANVAR ♦ SESHANBA ♦ №1 (26.860)



Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Мухтарам дўстлар!

Яна бир неча дақиқалардан кейин XXI асрнинг биринчи йили билан хайрлашиб, янги 2002 йилга қадам қўямиз.

Мана шундай ҳаяжонли лаҳзаларда байрамона дастурхонлар атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азиз ва қадрли ватандошларимни, бутун халқимизни юртимизга кириб келаётган қутлуғ Янги йил айёми билан чин қалбимдан муборакбод этишга, барчамизга ўзимнинг чексиз ҳурматимни билдиришга ружат бергайсиз.

Шундай дамларда якунига етаётган йилнинг ўзига хос оғир ва энгил томонларини, аввало, шу йил давомида бошимиздан кечирган воқеаларни эслаш, амалга оширган хайрли ишларимизни сарҳисоб қилиш, яна бир бор ҳаёлимиздан ўтказиш табиий ҳолдир.

Албатта, 2001 йил давлатимиз, эл-юртимиз учун осон кечгани йўқ. Турли офат ва қийинчиликлар, дуч келган синовлар ҳақида — сурункасига икки йилдан буён давом этиб келаётган қуроқчилик ва унинг салбий оқибатлари, ташқи бозорга чиқараётган пахта толаси ва бошқа экспортбон маҳсулотларимизнинг нархи пасайиб бораётгани туфайли валюта тушумининг камайиши, бунинг устига, кўп жойларда ишни ташкил этиш ва бошқаришда йўл қўйилган камчиликлар — буларнинг барчаси ҳақида узоқ гапириш мумкин.

Лекин, шундай муаммоларга қарамастан, ўтиб бораётган йилни розилик ва шўқроқлик кайфияти билан кузатишга ҳар томонлама асосимиз бор, деб ўйлайман.

Бунинг далолатини, аввало, мамлакатимиз, жамиятимизда тинчлик ва оқшайшайлик, миллатлараро тотувлик, сиёсий-ижтимоий барқарорлик ҳукм сураётганида, мавжуд қийинчиликларга қарамай, иқтисодиётимизнинг ривожланиши суръатлари ўсиб бораётганида, барчамиз гувоҳ бўлиб турган янги-янги улкан ишосотлар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга туширилётганида, бир сўз билан айтганда, иқтисодий салоҳиятимиз мустаҳкамланиб, юртимизнинг янада обод бўлиб, чиройин очилаётганида яққол кўришимиз мумкин.

Бунинг исботини маънавий юксалиш, халқимизга хос азалий қадриятларни тиклашда, шу билан бирга, демократик муносабатлар ва эркин бозор принципларини жорий қилишда, одамларимизнинг дунёқараши ва тафаккурда изланиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик, ўз кучига, ўз ақл-заковати, билим ва тажрибасига суяниб яшаш каби фазилатлар, эртанги кунга бўлган ишонч туйғусининг тобора кучайиб бораётганида кузатишимиз мумкин.

Келажатимиз ҳақида фикр юритганда, бизнинг кўнглимизни тўқ қиладиган яна бир ўта муҳим масала борки, уни эсламасликка ҳаққимиз йўқ, деб ўйлайман.

Мен бу ўринда бугун кунга тўлиб, замонавий билим ва илғор малакаларни эгаллаб олаётган, ҳеч кимдан кам

бўлмаган Ватанимизнинг келажаги ва тараққиётини ўз зиммаси, ўз масъулиятига олишга қодир янги авлод униб-ўсиб келаётганини назарда тутаман.

Кўксимизни тоғдай кўтарадиган эл-юртимизнинг энг катта ишонган таянчи ва суяنجи бўлмиш фарзандларимизнинг камолини кейинги йилларда ёшлар таълими ва тарбиясига қаратган катта куч ва эътиборимиз, бу борадаги изчил сиёсатимиз ҳозирданок ўз ҳосилини бераётганини кўриб, ҳар қайси ота-она, ҳар қайси оила, барчамиз узоқни кўзлаб қилган шу ишимиздан рози бўлмаслигимиз, шукр қилмаслигимиз мумкинми?

Ҳурматли юртдошларим! Тугаб бораётган йилнинг тарихимизда қолдираётган изи ва таъсири ҳақида сўз юртар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, охириги ойларида бошланган антитеррористик кураш, унинг самараси ва натижалари ҳақида гапиришимиз ўринли, деб биламан.

Шу ҳаракатлар туфайли Марказий Осиё минтақасида содир бўлаётган кескин ўзгаришларни ва, аввало, қўшни Афғонистон ҳудудида йилдан йилдан буён давом этаётган урушни тугатиш, кўп озоб ва уқубатлар кўрган шу тупроқда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўлида биринчи қадамлар қўйилётганини эътироф этишимиз керак.

Америка Қўшма Штатлари ва унга иттифоқчи бўлган давлатларнинг халқаро терроризмга қарши эълон қилган, бу жирканч иллатни та-томири билан суғуриб ташлашга қаратилган курашида Ўзбекистоннинг эгаллаган аниқ-равшан ўрни ва олиб бораётган сиёсати тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бу масалада Ўзбекистон тутган сиёсатининг маъно-мазмун ва аҳамиятини чуқур англаш мумкин, аввало, 11 сентябрдан кейин ва Афғонистонда контртеррористик операциялар бошланмасдан олдин вужудга келган оғир ва ноаниқ вазиятни ўзимизга тасаввур қилмоғимиз керак.

Шундай мураккаб бир шароитда, ҳеч иккиламасдан, қатъиятлик билан, фақат ва яна бир бор фақат Ўзбекистон манфаатини кўзлаб, бизга нисбатан тўрт томондан билдирилган турли хил маслаҳатлар, дўқ-пўписаларга қарамастан, ягона ва тўғри қарорга келиш шу пайтда осон иш эмас эди.

Ҳеч кимнинг ноғорасига ўйнамасдан танлаган бу мустақил йўлимиз ҳозирги кунда бутун дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда ва тан олинмоқда.

Бугун узоқ ва ақин кўшилларимиз, умуман халқаро ҳам-жамият, жаҳон халқлари Ўзбекистонга, унинг мард ва танти халқига, ҳар қандай ҳал қилувчи дамларда, шароит ва вазиятларда ҳам унинг қатъиятли сўзига ишониш ва таяниш мумкинлигига иқрор бўлмоқда ва шундан хулоса чиқармоқда.

Илгари Ўзбекистонни балки харитадан ҳам топа олмайдиган олид давлатларнинг вакиллари бугун мамлакатимизни янгидан танимоқда ва унга хайрихоҳлик билдирмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, ўтган йил мубайнида ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам барча қийинчиликларга бардош бериб, белимизни қаттиқ боғлаб қилган меҳнатимиз, пешона теримиз билан қўлга киритган ютуқларимиз, жамиятимизда қарор толиб бораётган демократик қадриятлар ва кенг қўламли ислохотлар, халқаро майдонда қозонган юксак обрў-эътиборимиз эртанги ҳаётимизни янги босқ-

ичга кўтариш ва эзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда мустаҳкам пойдевор бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Албатта, биз янги марра, янги уфқлар сари ҳаракат қилар эканмиз, аввало, ўз кучимиз ва қудратимизга, ақл-заковатимизга суянган ва таянган ҳолда, ер ости ва ер усти бойликларимиздан оқилона фойдаланиб, ўз режаларимизни белгилашимиз ва ҳар доим шулар ҳисобидан келажатимизни кўришимиз ва қуришимиз табиий.

Бизнинг янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш, халқимиз турмушини ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш мақсадида қилаётган ҳаракатларимизга катта хайрихоҳлик билан қараб, ҳамкорлик қўлини узатаётган энг тараққий толган давлатлар ва чет эллик шерикларимизнинг ёрдами ва кўмаги, иқтисодиётимизга хорижий сармоялар кириб келаётгани, шу асосда қўшма корхоналар тузилаётгани, янги лойиҳалар амалга оширилаётгани бу марраларга етишимизда аини мудоао бўлади.

Азиз ватандошларим! Мен Янги йил арафасида сизларнинг эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман.

Халқимизнинг асл табиатида бўлган, юртдошларимизга хос меҳр-оқибатлик, ақиллик, ўзаро ҳурмат, шўфқат ва нуруват каби буюк хусусият ва фазилатларнинг жамиятимиздаги ўрнини янада мустаҳкамлаб, уларни янги авлод, фарзандларимиз оғига синдиртиш бугунги ва эртанги кунимизни янада чарогон этишда, эзгу мақсадларимизга эришишда энг катта мезон ва омил бўлишини англаб олишимизга ишонаман.

Айнан мана шундай ўлмас қадриятларга, ўз кучи ва қудратига ишониб яшаётган халқимизни ўз танлаган йўлидан ҳеч қандай ёвуз ва сохта куч қайтара олмайд.

Ҳурматли дўстлар! Янги йилни халқимизнинг хоҳиш-истагини ифода этиб, Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилганимиз ҳам албатта бежиз эмас.

Барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, шу юрtnинг оғир-енгиллини умр бўйи елкасида кўтариб келган, хонадонларимизнинг фойзи ва кўрки бўлган бу мўътабар зотларни рози қилиш, дуосини олиш — дунёдаги энг улуғ савобдир.

Биз Янги йилга меҳрибон ота-оналаримизни, муҳтарам қарияларимизни улуғлаш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатишдек олижаноб мақсадлар билан қадам қўяётган эканмиз, ўйлайманки, кириб келаётган йилда барча халис ниятларимиз ижобат бўлғай, иншооллох.

Мухтарам ватандошларим, қадрдонларим! Сизларни юрtnимизга кириб келаётган Янги йил байрами билан яна бир бор қўтлаб, ўзимнинг энг самимий тилакларимни изҳор этаман.

Янги йилда ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга тинчлик ва кут-барака ато этсин!

Кексаларимизнинг умрлари зиёда бўлсин, ёшларимизнинг бахту иқболлини берсин!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-гайрат ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

Янги йил ҳаммамизга муборак бўлсин!

Ислom ҚАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

БМТнинг Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасидаги сайъ-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаётганингиз учун ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этишга ижозат берсангиз. Мен, фавқулодда зарур бўлган ёрдамни етказиб бериш учун Термиздаги кўприкни очиш тўғрисидаги қарорингиздан айнқса миннатдорман. Хайратонда давом этаётган баржалар воситасида юк етказиб беришга қўшимча равишда бундан буён биз Афғонистоннинг шимолий қисмидаги ночор туманларга темир йўл ва автомобиль йўллари орқали инсонпарварлик ёрдами етказиб бериш бўйича чора-тадбирларни қўллашимиз мумкин. Олдинда турган ҳафта бу масалада ҳал қилувчи вақт бўлади, негаки биз киш ойларида осон-омон чиқиб олишлари учун юз минглаб афгонларга ёрдам беришга интилоқдамиз.

Шунингдек, 14 декабрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан Протокол имзолангани муносабати билан менинг миннатдорлигимни қабул қилгайсиз. Бу бизга чегара орқали инсонпарварлик кўмаги етказиб беришни янада ошириш ҳамда инсонпарварлик ташкилотлари ходимларининг ҳаракатланишига ёрдам беради. Сўнги ҳафта давомида намёнён бўлганидек, ҳамкорликдаги сайъ-ҳаракатлари ва мажбуриятларга содиқлиги учун Сизнинг ҳукуматингизни табриқлашни истар эдимки, булар бизга зарур бўлган шартларни бир неча кун ичида келишиб олиш имконини берди. Бундай сайъ-ҳаракатлар самараси ўларок, бизнинг коллектив ҳаракатларимизда муҳим аҳамият касб этаётган, яъни халқаро нодавлат ташкилотлари амалга ошираётган инсонпарварлик кўмакларини қўшиб ҳисоблаганда кўприк орқали юк етказиб беришнинг ҳажми ошди.

Сизнинг ҳукуматингизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлиги давом этишига умид қиламан. Биз миллионлаб афгонлар ҳаётини сақлаб қолиш йўлида етарли миқдорда ва энг муҳими, ўз вақтида кўмак кўрсатаётимиз.

Жаноби Олийлари, марҳамат қилиб, менинг энг юксак ҳурматим-эътиромимни қабул қилгайсиз.

Кофи АННАН,
БМТ Бош котиби



2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

САЪДУЛЛА ҲАКИМ

ЯНГИ ЙИЛ

Янги йил! Қорбобо кийибди кироийи нустин, Қорқизга ярашиқ шалола батис. 20-02 ажойиб русум, Тимсолинг — истиқлол эҳсони «Матис».

Янги йил! Кўчқордек фарзанд бер тирноққа зорга, Умрини безасин гавҳар донаси. Ой каби эгилсин бешик устиди Сочлари тун каби баҳмал онаси.

Янги йил! Улуғ қариялар юрар йўлига Қобил зурёдлари асо қилиб эк. Кўтарса фарзанди кўтарар бошга, Суянса фарзандга суянар ўзбек.

Янги йил! Унутма озурда кимсаларни ҳам, Хазин дилларини нур бўлиб ёрит. Ўстир севиңчини, айлағил қарам, Урвоқча бўлса-да гуссанни арт.

Янги йил! Йўлсизга йўл кўрсат, нур бер кўзига, Адашган кимки бор, тавфиқ ато эт. Асл ўзларни қайтар изига, Дийнат рамзидир қадим Ота юрт.

Янги йил! Босанг изларингда майсалар гилам, Чирмасин ошиқлар пойига гуллар. Оқшомлар ухлатиб юлдузларни ҳам Ловуллаб сайрасин ўсмир булбуллар.

Янги йил! Қайинни қайтар билаги ботир, Халқини қайтарур юриси ботир. Шарбонлар сафида сардор Сарбонинг, Асло тошинмасин улуг қарвонинг.

Янги йил! Ҳар кунинг улашин элга насиба, Ҳар кунинг савобга бўласин бир сабаб. Буюк Ўзбекистон пешонасида Ҳурлик — олтин жига порласин абад!

2001 йил 26 декабрь

Янги йил шарқдан кириб келади. Лекин уни илк бор қаерда қарши олишларини биласизми? Дунёда Янги йилни биринчи бўлиб Тинч океанининг Фиджи архипелагида яшовчи халқлар қутиб олишади. Мазкур архипелаг 320 та оролдан ташкил топган бўлиб, уларнинг ярмидагина аҳоли яшайди.

Бошқа мамлакатлардагидан фарқли ўлароқ Японияда Янги йилни кечаси эмас, балки тонгда — кўёш чиқиши билан қутиб олинади. Янги йил кечаси шаҳар ва қишлоқлардаги ибодатхона одатда 108 марта бонг уради. Мьялумки, Японияда 100 ва 8 рақамлари бахтли рақамлар ҳисобланади. Янги йил кечаси чалинадиган кўнгирак радио орқали эшиттирилади. 108-бонг урганга ҳамма жой-жойига етган бўлиши керак.

Индонезиянинг Бали оролига Янги йил барвақт кирилади. Сабаби бу ерда йилнинг узунлиги боринчи 210 кунга тенг. Жанубий Кореяда таомилга кўра, Янги йил қутилганидан сўнг кенг кўча ҳамда майдонларда, истироҳат боғларида сайил-то-

мошалар кун бўйи давом этади. Вьетнамда қадимдан ой календари қўллаб келинган сабабли бу ерда янги йил ҳар хил фаслларда қутиб олинади. Вьетнамлик-

аҳоли Янги йилни бир неча хил эски ҳисобларга кўра қутиб олади. Масалан, Янги йил мамлакат шимолида 13 апрелда, жанубида мартда, фарбида сентябрда, Купала штаида июль ёки августда

КИМ ҚАНДАЙ КУТИБ ОЛАДИ?

лар Янги йил байрамини тет деб юритишади. Кампучияда ҳам Янги йил баҳорнинг ўрталарида 12-13 апрелда бошланади.

Монголияда эса икки хил нишонланади, биринчиси, расмий янги йил бўлиб, биринчи январга тўғри келади. Халқ Янги йили эса Шарқий Осиё календарининг ой фазаларига мувофиқ кўпинча кўламда нишонланади.

Хиндистонда Янги йилни расмий доиралар 1 январда нишонлашади. Лекин

Шри-Ланка мамлакатининг туб аҳолиси бўлиши сенагаллар апрель ойининг бошида ҳосилни йиғиб-териб бўлган, Янги йилни нишонлайдилар.

Эронда икки хил календар қўлланилади. Улардан бири кўёш календаридир. Янги йил 21 мартда нишонланади.

Кенияда бу байрам иссиқ вақтга тўғри келади. Шу сабабли бу ерда Янги йилни сувда қутиб олиш оdatи қадимдан анъана ҳисобла-

нади. Янги йил кун аҳоли қайиқ ёки кемаларга тушиб, дарё, кўл, денгиз ва океанларда сайр қилишади.

Финляндияда байрам оқшоми кун хонадонларда ҳар бир меҳмон учун янги йил совғаси олдиндан тайёрланади, устига товоқ тўнтарилган бўлади. Товоқ остидан қандай совға чиқиши, унинг бахтидан. Қадимий оdatга кўра, янги йил кечаси финлар саримсоқ пивё билан асал ейишади.

Урта асрда инглизлар бу шодийнани мартда қутиб олишарди. 1752 йил парламент Янги йилни 1 январга кўчириш ҳақида қарор чиқарган.

Шотландияда Янги йил байрамида ёнғоқ ва майиз солинган ширмой нонлар ейилади. Бу ерда соат миллари 12 рақамини кўрсатиши билан эски йилнинг чиқиши ва янги йилнинг кириб келиши учун уй эшикларини ланг очиб қўйилади.

Голландияда дастурхонга майили сомса тортиш оdat тусига кирган. Шуниси диққат сазоворки, уй бекалари бундай сомсани йилда бир мартагина пиширишади.

Руминияда ичига турли буюмлар солиниб пиширилган пирог тайёрланади.

Венгриянинг қишлоқларида шу кун оила бошлиғи бир кучоқ похонли «Тинчлик, бахт-саодат, саломатлик» рамзи сифатида уй ичига сочиб чиқади.

Болгарияда Янги йил кирганлигидан дарак берувчи сўнги бонг урилганда барча хонадонларда чирок ўчади. Шу дақиқаларда ҳамма бир-бирини байрам билан муборакбод этади.

Кубаликларнинг оdatига кўра, Янги йилда ҳаёт ширин ўтсин дея 31 декабрь кун тунги соат 12 да соатнинг ҳар бир занг уришида бир бош узум ейиш керак.

Мексикаликларнинг ўзларига хос янги йил маросими бор. Ичига ширинликлар тўлдирилган катта мун шифта осилади. Меҳмонларнинг кўзини бойлади, қўлига таёқ тутказилади, кимда ким хумни синдирилса, у янги йилда бағоят бахтиёр бўлади.

Ҳақон мамлакатларида янги йил қачон, қандай қутиб олинишидан қатъий назар, ҳамма ерда эзгу ниётлар, яхши тилаклар, одамларда дилхушиқ қайфияти жўш уради.

■ **МУНИРА ИСОМИДДИНОВА** тайёрлади.

ОТИНИГ МУЧАЛДОШЛАРИГА МАСЛАХАТИ

СИЧҚОНГА (1924, 1936, 1948, 1960, 1972, 1984) Доимо хушёр бул ва ўз оdatингни тарк этма.

СИГИРГА (1925, 1937, 1949, 1961, 1973, 1985) Муваффақиятлардан ҳузур қил, сенинг иттифоқдошларинг кучли, ишинг эса даромадлар!

ЙЎЛБАРСГА (1926, 1938, 1950, 1962, 1974, 1986) Ҳеч бир ишдан тап торпма, ҳозир ҳаммаси қўлингдан келади.

ҚУЁНГА (1927, 1939, 1951, 1963, 1975, 1987) Ҳозирча дам ол, ҳорайингни чиқар, толган-тумганингни итгавер.

БАЛИҚГА (1928, 1940, 1952, 1964, 1976, 1988) Амалга чиқиш учун ишкониятдан фойдаланиб қол, бирок бошлиқларинг билан нифоқга борма.

ИЛОНГА (1929, 1941, 1953, 1965, 1977, 1989) Эҳтиёт бул, айниқса, муҳаббатда.

ОТГА (1930, 1942, 1954, 1966, 1978): Бизнинг эса оғайни, ҳар қачонгдек, бўйинишда бўйинтириқ...

ҚЎЙГА (1931, 1943, 1955, 1967, 1979, 1991) «Хавотирланма, ҳаммаси яхши бўлади».

МАЙМУНГА (1920, 1932, 1944, 1956, 1968, 1980) Машмашадан йироқроқ юр ва ўзингга мос иш топуб оласан.

ТОВУҚГА (1921, 1933, 1945, 1957, 1969, 1981) Бу йил сен учун омад ва халоват йўли, қандингни туп!

ИТГА (1922, 1934, 1946, 1958, 1970, 1982) Шахсўй ҳаётинг билан шуғулан ва сенга омад қилиб боқади.

ТЎНГИЗГА (1923, 1935, 1947, 1959, 1971, 1983) Алданиб қолмаслигинг учун ақлни ишга сол, сабрли бул.



«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» — БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ



■ Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар



ОФИР ПАРВОЗ (БЎЛГАН ВОҚЕА)

Бу воқеа бундан ўттиз йил бурун, янги йил арафасида бўлиб ўтган эди. Уша пайтда мен Авиация саноати вазирлигига қарашли институтда ишлардим. Институт Краснодарда кўчиб боришга қатъиян қарши бўлган, мен у ерда ёлғиз яшаб, хар жума — иш тугагач, Краснодардан Тошкентга учиб, кечки соат 11 да уйда бўлардим. Дуншан кун эса соат 7 да Тошкентдан учиб, соат 10 да ишхонамда пайдо бўлардим. Бундай сафаримда Як-40 самолётдан фойдаланардим.

1971 йилнинг 30 декабрида эрта билан Тошкентга кўнгирак қилиб, хотинимга кечқурун уйда бўлишимни айтдим. Мени тинглаб турган хотиним хайр-нашаётлиб: — Янги йил оstonамизда, эшитдингизми? — деб оғоҳландиргандек оҳангда гап қилди. — Кечикмасдан етиб келинг! — деб қўшиб қўйди.

Кўнгирак қилганимдан пуншаймон бўлдим. Чунки хотиним нимани тайинлаб айтса, ана шу нарсанинг тексариши бўлиб чиқарди. Агар у мен уйимизнинг ёнидаги дўконга нонга чиқиб кетаётганимда: «бирортаси билан гапласанг қолманг, тезроқ келинг» деса, албатта, бирор-та танишим йўлимни тўсиб, икки соат гапга соларди. Аэропортга аспирантим Олег Холвян ўз машинасида олиб бориб қўйиб, ани мушқулимини

осон қилди. У мени самолётнинг туширилган трапига чак узатиб қўйди. Экипаж мени кўриб, анъана бўйича трап олдида саф тортиди. ЯК-40 самолёти «Краснодар-Минводи-Нукус-Тошкент» маршрути бўйича учинга тайёр! Моторни ишга солишга рухсат беринг, — деди кома командир.

— Рухсат! — дедим мен ва хайрон бўлиб сўрадим. — Нега Нукус, Урганч эмас? — Урганч аэропорти тунда ишлашга мослашмаган, — деди кома командир. Холвян мен билан хайрлашар экан, «хеч нарса ёдингиздан чиқмади» қабиллида савол бериши билан қўлимни ён чўнтагимга солдим-у, кайфиятим бузилди: — Талисманим-онекс тоши столимнинг галадониди қолиб кетибди. Онекс — бу зарғаллик-безак тоши бўлиб, жуда қадимдан маълум. Қадимий Бобил ва Тибет тиббиётида бу тошдан кўп дардларни даволашда фойдаланишган. Одамларнинг дард чеккан ерларига тошни қўйиб ёки суртиб, оғриқни енгиллаштиришганини ўқиганман. Мусулманлар онексни (араб «гагата») бало-қазодан сақловчи илоҳий кучга эга, деб ҳисоблашган. Мендаги тош онекснинг карнеол (сердолик) тури бўлиб, Урал конларидан олинган эди. Айтишларича, у Урал ортида жавохир конларини излаш билан

БҮЮК ИПАК ЙЎЛИ ТИМСОЛИ

Мамлакатимизда мустақиллик даврида кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун ҳар томонлама ва барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари ижросини таъминлаш борасида Тошкент шаҳар ҳокимияти ва «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси Тошкент шаҳрида бир қатор амалий тадбирларни амалга оширмоқда.

Тошкентдаги бозорлар таниб бўлма даражада ўзгарди. Янги бозорлар қаторида «ИПАК YO'LI — IMPEKS» очиқ акциядорлик жамиятининг халқаро улгуржи-чакана ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Ярмарка фаолиятига Хитойнинг ўрта ва кичик бизнес вакиллари, вилоятларимиздан тадбиркорлар жалб этилган бўлиб, унда Хитойда ишлаб чиқарилган гулли, рангбаран турли хил мато ва газламаларнинг улгуржи-чакана савдоси йўлга қўйилди.



Шарқ ва Фарби савдо соҳасида бирлаштирувчи Буюк ипак йўли сўқмоқлари серкўёш диёримиздан ҳам ўтган. Худди шу сабабдан «ИПАК YO'LI — IMPEKS» очиқ акциядорлик жамиятининг рамзий белгисида карвон, мусаффо зангор осмон, кўёш ва тоғлар манзараси фойдасини топган.

Ярмаркада тадбиркорларга бизнесни ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки тадбиркорлар аҳоли талабига жавоб берувчи турли мато ва газламаларни улгуржи тартибда харид қилиб олишлари мумкин. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон вилоятлари ва туманлари марказларида мазкур товарларнинг сотилиш нархига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади албатта.

Халқаро улгуржи-чакана ярмаркасида республикамиз вилоятларидан келатган барча тадбиркорлар мато ва газламаларни қулай нархларда сотиб олишга муяссар бўлмоқда. Акциядорлик жамияти эндигина икки йил фаолият кўрсатаётганига қарамай, нафақат ярмарка тадбиркорлари балки харидорлар учун ҳам маданий-маиший хизмат кўрсатиш шароитларини ташкил қилишга дуруст натижаларга эришди. Жамият худудида 550 та автомашинага мўлжалланган автомобиллар тўхташ жойи, 150 ўринли ошхоналар, офис биноси, сартароқхона ва хар хил дўконлар ишлаб турибди. Бугунги кунга келиб 250 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Янги йил арафасида тиббиёт пункти ва «Иссиқ нон» дўконлари ишга туширилди.

Халқаро улгуржи-чакана ярмаркаси фаолияти натижасида 2001 йилда 214 млн. сўм ялпи даромад олинди, режа 120 фоиз этиб бажарилгани мўлжалланмоқда.

Жамият хар йили кам таъминланган оилалар, қаровсиз ногиронлар, етим-есир болаларга мунтазам равишда моддий ёрдам кўрсатамоқда. Кун кеча Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманидаги 106-махсус мактаб интернат тарбияланувчиларининг Янги йил байрамини аталган шодийнанида ҳиммат билан қатнашишди. Байрам эгалари бўлган 360 болага жамият томонидан 360 минг сўмлик совғалар тантанали топширилди.

Жамият кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича давлат сёсатини тўла қўллаб-қувватлаб, янги-янги ярмаркалар ва савдо-кўрғазмаларини ташкил этиш замирида Буюк ипак йўлини тиклаш, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси халқлари ўртасида дўстона савдо-иқтисодий алоқаларни мустақкамлаш ишига ўз ҳиссасини қўшишга астойдил бел боғлаган.

■ **Абдулла ПЎЛАТОВ**

■ **Аъзам АЗИМИЙ,** техника фанлари доктори, профессор

Касби туманининг ўрни Қашқадарё вилоятида эмас, мамлакатимизда ҳам ўзига хос. У кўплаб эшратгоҳларию кўли гул хунармандлари билан қишлоқ хўжалиги учун қулай аграр минтақада жойлашган бўлса-да, мустақиллигимиз тўғрисида бу ерда халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам ривож топмоқда. Уста деҳқонлару соҳибкорлар ватани бўлган Касби меҳнаткашлари табиғий қийинчиликларни енгиб,

КАСБИДА ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

2001 йил барча соҳалар бўйича олдиларига қўйилган вазифаларни удаладилар.

Шу муносабат билан бу ерда «Хосил байрами»нинг театрлаштирилган тантаналари бўлиб ўтди. Қатор хўжаликлар, ташиқлотлар ишчи ва хизматчилари вилоят ва туман ҳокимлиги томонидан энгил автомашиналар ҳамда қимматбаҳо

совғалар билан тақдирландилар. Вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Б.Ҳамидов туман меҳнаткашларини эришган муваффақиятлари билан қутлаб, ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

Ш. Рашидов номли ширкат хўжалиги ижарачиси, Ўзбекистон Қасрамони Файбулло Раҳмонов, туман

ҳокими Абдухалил Соатовлар ўз сўзларида мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлаш йўлида касбиликлар бундан кейин ҳам сабот билан меҳнат қилaverишларини таъкидладилар.

Санъаткорларнинг чиқишлари байрам шодиёналарига янада кутаринки руҳ бахш этди.

■ Сулаймон ҲАЙДАР

«ЎЗКИМЎСАҲОАТ»
лойиҳа акциядорлик жамияти

Янги — Қарияларни қадрлаш йили
Ўзбекистон халқига соғлиқ-омонлик, ҳаётига фаровонлик, дастурхонига тўқин-соғинлик ва қут-баракани олиб кирсин. Баргалини қилидаги орзулари рўёбга чиқсин.

2002 йил

«САМАРҚАНДАВТОТЕХХИЗМАТ»
худудий акциядорлик уюшмаси жамоаси

Ўзбекистон халқини ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ билан чин юракдан табриклайди.

Мустақиллик йилларида юртимиз автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторига қўшилганлиги барчамизда фахр-ифтихор туйғусини юксалтиради.

Ўз юртимиз автомобилларига техник хизмат кўрсатаётганидан жамоа аҳли гурурланади. Эндиликда биз хизмат кўрсатаётган «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобиллари қаторига «Матиз» ҳам қўшилганлиги ишимиз салмоғини янада оширади.

Илоҳим, Қарияларни қадрлаш йилида ҳар бир хонадон соҳибига ўз автомобилларимизни харид қилиш насиб этсин. Йўлларимиз янада раванлашиб, автомобилларимиз эл узоғини яқин, оғирини энгил қилсин.

Дастурхонимиздан қут-баракани аримасин, осмонимиз мусаффо, турмушимиз осойишта кечсин.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САВДО ҲИССАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ

Мустақил Ўзбекистон халқларини 2002 йил билан тинч қалбдан муборакбод элтади.

Ўзбекистон — Оллоҳ назари тушган, қишларида баҳор шивирлаб турадиган, тупроғида олтин гуллайдиган диёр эканки, биз бу билан чексиз фахрлансак, уни беҳад ардоқласак арзийди. Озод ва ҳур Ватанимиз бу Янги қутлуғ йилда ҳам янада гуллаб-яшнасин, осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч бўлсин, ҳар бир хонадонимизга фаровонлик, қут-баракани ато этсин!

ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ

Ўзбекистон халқини,
Тошкент шаҳрининг
тадбиркорларини
Янги — 2002 йил
билан салтанатий табриклайди.
Янги йил татливатимизга
тўқин-соғинлик,
қут-баракани ва тинчликни
олиб келисин.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази доимо кўчмас мулк, автотранспорт, уй-жой ери бўйича

- ⇒ кимошди савдолари
- ⇒ танловлар
- ⇒ биржа савдолари ўтказиб туради.

Тезкорлиги, ишончлилиги, конфеденциаллиги кафолатланади.

Манзилимиз:
Тошкент, Миробод тумани,
Мовароуннаҳр кўчаси, 16А-уй.

Телефонлар:
133-20-74, 133-46-13.

BOSH MUHARRIR

Azim SUYUN

TAHRIR HAY'ATI

- Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur GODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV
Alimqul SULTONOV
Andrey ORLOV
Baxtiyor HAMIDOV
Rahima HAKIMOVA
Teleberggen QAIPIBERGENOV
Farmon OMONOV
Makhamboy O'MAR ogli

MUASSIS:



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

- Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xafar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 133-47-80
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqib boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 36-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-63
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navhatchi M'armur QIYOMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.

Korxonamanzili: Buyuk Taron kochasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Ommatidasida 00004-raqam bilan nashr etilgan.

Gazeta o'fset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi 2 bosma taqob.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshqaruvchi tashkilotning xohishi bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 17.00.

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

«ОҚ ОЛТИН»

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ КИРИБ КЕЛГАН ЯНГИ — 2002 ЙИЛ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ!

БАРЧАГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, ТИНЧЛИК, ФАЙЗУ-БАРОКАТ ВА ОМАД ТИЛАЙДИ.

Янги йилнингиз кўнглингиз бўлсин, азизлар!



«ОҚ ОЛТИН» ТЕЛЕВИЗИОН ПУЛ-БУЮМ ЛОТТОСИНИНГ 2001 ЙИЛ 30 ДЕКАБРДАГИ 4-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ЖАДВАЛИ

Table with columns for lottery numbers (1 TP, 2 TP, etc.) and corresponding winning amounts. Includes a section for 'XALTDAN CHIQA OLMIGAN SHARHLAR' (Numbers that did not win).